

Тошкент шаҳрида умумий ўрта таълим

2024/2025 ўқув йили бошига

- I. Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари
- II. Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар
- III. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX ва XI синф битирувчилари
- IV. Умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз)
- V. Умумий ўрта таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар


I. Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари

Тошкент шаҳрида 2024/2025 ўқув йили бошида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони **488 тани** ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан **127 тага**, яъни **35,2 %** га ошган.

Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Фаолият юритаётган нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)





2024/2025 ўқув йили бошига шаҳарда жами **131 та** нодавлат умумтаълим ташкилотлари фаолият юритган ва 2020/2021 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони **4,0 баробарга** кўпайган.

Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари
сонини туманлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, бирлик)

	Умумтаълим ташкилотлари сони, жами	шундан: нодавлат умумтаълим ташкилотлари
Тошкент ш.	488	131
<i>туманлар:</i>		
Учтепа	42	5
Бектемир	11	3
Юнусобод	58	12
Мирзо Улуғбек	59	15
Миробод	28	8
Шайхонтоҳур	60	24
Олмазор	57	17
Сергели	35	16
Яккасарой	26	10
Яшнобод	44	8
Янгиҳаёт	21	3
Чилонзор	47	10

2024/2025 ўқув йили бошига фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотларининг энг кўп сони Шайхонтоҳур (**60 та**), Мирзо Улуғбек (**59 та**) ва Юнусобод (**58 та**) туманларида қайд этилган бўлса, бошқа туманларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Бектемир (**11 та**), Янгиҳаёт (**21 та**) ва Яккасарой (**26 та**) туманларида қайд этилган.


Нодавлат умумтаълим ташкилотларига келсак, уларнинг кўп қисми Шайхонтоҳур (**24 та**), Олмазор (**17 та**) ва Сергели (**16 та**) туманларида, энг ками эса Янгиҳаёт ва Бектемир туманлари (ҳар бир ҳудудда **3 тадан**) ҳамда Учтепа туманида (**5 та**) қайд этилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони](#)

II. Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар

Тошкент шаҳрида 2020/2021 – 2024/2025 ўқув йилларида умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг ўсиши кузатилган. Ушбу даврда ўқувчиларнинг умумий сони **549,9 минг кишига**, яъни **13 %** га кўпайган.



Ушбу даврда қиз болалар сони **33,1 минг нафарга**, яъни **14,6 %** га, ўғил болалар сони эса **38,5 минг нафарга**, яъни **15,3 %** га ошган.

Ўқувчилар сонини туманлар кесимида тақсимланиши (2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)

	Ўқувчилар сони, жами	улардан:		умумий сонидан, % да	
		қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар
Тошкент ш.	549,9	260,2	289,7	47,3	52,7
<i>туманлар:</i>					
Учтепа	56,6	27,9	28,7	49,3	50,7
Бектемир	13,0	7,2	5,8	55,4	44,6
Юнусобод	68,4	32,3	36,1	47,2	52,8
Мирзо Улуғбек	62,1	28,5	33,6	45,9	54,1
Миробод	32,8	15,7	17,1	47,9	52,1
Шайхонтоҳур	53,7	25,7	28,0	47,9	52,1
Олмазор	63,5	30,0	33,5	47,2	52,8

Сергели	45,4	21,0	24,4	46,3	53,7
Яккасарой	21,5	10,1	11,4	47,0	53,0
Яшнобод	52,8	24,4	28,4	46,2	53,8
Янгиҳаёт	27,6	13,2	14,4	47,8	52,2
Чилонзор	52,5	24,2	28,3	46,1	53,9

Тошкент шаҳрининг барча туманларида ўғил болалар сони қиз болалар сонидан ўртача **5,4 %** га ортади. Ўқувчиларнинг энг кўп қисми Юнусобод (**68,4 минг**), Олмазор (**63,5 минг**) ва Мирзо Улуғбек (**62,1 минг**) туманларида қайд этилган, энг ками эса Бектемир (**13,0 минг**) ва Яккасарой (**21,5 минг**) туманларига тўғри келган. Ўғил ва қиз болалар ўртасидаги энг сезиларли тафовут Бектемир туманида бўлган (ўғил болалар – **44,6 %**, қиз болалар – **55,4 %**), бошқа ҳудудларда ўғил ва қиз болалар нисбати тахминан бир хил.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўқувчилар сони \(жами\)](#)


[Ўқувчилар сони \(қиз болалар\)](#)

[Ўқувчилар сони \(ўғил болалар\)](#)

III. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX ва XI синф битирувчилари

2024 йилда Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX синф битирувчилари сони **46,5 минг кишини** ташкил этган ва 2020 йилга нисбатан уларнинг сони **9,1 минг кишига**, яъни **24,3 %** га, XI синф битирувчилари сони эса, 2024 йилда 2020 йилга нисбатан **6,6 минг кишига**, яъни **22,4 %** га кўпайган.

IX ва XI синф битирувчилари сони
(тегишли йил учун, минг киши)



IX синф битирувчилари сони XI синф битирувчиларига нисбатан кўплиги баъзи ўқувчилар IX синфни тугатгандан сўнг академик лицей ёки касб-ҳунар мактабларида ўз ўқишларини давом эттираётгани англатади.

IX ва XI синф битирувчилари сонини туманлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)

	IX синф битирувчилари	XI синф битирувчилари
Тошкент ш.	46,5	36,1
туманлар:		
Учтепа	5,1	4,0
Бектемир	1,0	0,8
Юнусобод	5,9	4,9
Мирзо Улуғбек	5,4	4,4
Миробод	2,9	2,3
Шайхонтохур	4,8	3,2
Олмазор	5,1	4,1
Сергели	3,7	2,7
Яккасарой	1,8	1,2
Яшнобод	4,2	3,4
Янгиҳаёт	2,2	1,3
Чилонзор	4,4	3,6

IX синф битирувчиларининг энг кўп қисми Юнусобод (5,9 минг) ва Мирзо Улуғбек (5,4 минг) туманларида, энг кам эса Бектемир (1,0 минг) ва Яккасарой (1,8 минг) туманларида қайд этилган. XI синф битирувчилари орасида ҳам Юнусобод (4,9 минг) ва Мирзо Улуғбек (4,4 минг) туманлари етакчилик қилмоқда, Бектемир (0,8 минг) ва Яккасарой (1,2 минг) туманларида эса бу кўрсаткич энг паст даражада бўлган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[IX синф битирувчилари](#)

[XI синф битирувчилари](#)

IV. Умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини
юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз)

2024/2025 ўқув йили бошига Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони 32,5 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 6,1 минг кишига, яъни 18,8 % га кўпайган.

Ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Тошкент шаҳрида умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқитувчиларнинг асосий қисmini аёллар ташкил этган – **85,9 % (28,0 минг киши)**, эркаклар эса **14,1 % ни (4,6 минг киши)** ташкил этган.

Ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонини туманлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)

	Ўқитувчилар сони, жами	улардан:		умумий сонидан, % да	
		аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар
Тошкент ш.	32,6	28,0	4,6	85,9	14,1
<i>туманлар:</i>					
Учтепа	3,3	3,1	0,2	93,9	6,1
Бектемир	0,7	0,5	0,2	71,4	28,6
Юнусобод	3,9	3,6	0,3	92,3	7,7
Мирзо Улуғбек	3,9	3,4	0,6	84,6	15,4
Миробод	1,8	1,4	0,4	77,8	22,2
Шайхонтоҳур	3,5	3,1	0,4	88,6	11,4
Олмазор	3,8	3,3	0,6	84,2	15,8
Сергели	2,5	2,1	0,4	84,0	16,0
Яккасарой	1,4	1,2	0,2	85,7	14,3
Яшнобод	3,0	2,6	0,4	86,7	13,3
Янгиҳаёт	1,6	1,1	0,5	68,8	31,3
Чилонзор	3,0	2,6	0,4	86,7	13,3



Энг юқори аёл-ўқитувчилар улуши Учтепа туманига тўғри келган (93,9 %), Юнусобод туманида эса бу кўрсаткич нисбатан пастроқ бўлган (92,3 %). Ўқитувчиларнинг энг катта қисми Юнусобод ва Мирзо Улуғбек (3,9 минг кишидан) ва Олмазор (3,8 минг киши) туманларида қайд этилган, бошқа туманларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Бектемир (0,7 минг киши) ҳамда Яккасарой (1,4 минг киши) туманларига тўғри келган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Численность учителей \(всего\)](#)

V. Умумий ўрта таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим бўйича статистик маълумотлар йиллик статистик ҳисобот – **1-umumta'lim shakli** “Умумтаълим муассасасининг ҳисоботи” асосида шакллантирилади. Ушбу ҳисоботни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг умумтаълим муассасалари, бошқа вазирлик ва идораларнинг умумтаълим муассасалари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар лицензия асосида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар тақдим этади.

Умумтаълим муассасасининг статистик ҳисоботида ўқувчилар, битирувчилар, ўқитувчилар сони ҳамда умумий ўрта таълим тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар акс эттирилади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади.

Ўқувчилар ва ўқитувчилар сони, умумтаълим ташкилотларининг моддий-техника базаси каби асосий кўрсаткичлар янги ўқув йили бошига, битирувчилар сони эса ўтган йил учун келтирилади. Йиғма маълумотлар таълим тизими ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш, таълим ислохотларини режалаштириш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) доирасида ва бошқа халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)

[МСКО 2011](#)

[МСКО-0 2013](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бўлими

Манзил: 100000, Тошкент ш.,
А.Темур кўчаси, 11
Эл. манзил: @toshstat.uz
Тел.: 71-203-88-27

